



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган

2001 йил 3 октябрь, чоршанба

№78 (11.363)

Эркин нархда сотилади

ЗАМОН ТАЛАБИГА МОС КОРХОНА

Янгийўл туманидаги «Ўзбекистон 5 йиллиги» номидаги пахта тозалаш заводи илк ҳосилни қабул қилиб олди.

Бир йилда 40 минг тонна пахтадан қайта ишлаш қувва-тига эга бўлган мазкур корхонага нафақат Янгийўл туманидан, балки Зангиота, Қибрай тумани ҳўжаликларида ҳам 20 минг 80 тонна пахта келтирилади.

— Ўтган йили 18 минг 400 тонна пахтадан қайта ишлаб, шундан 11 минг 900 тонна-сини биринчи ва иккинчи навларга сотдик, — дейди корхона раҳбари А. Ўзбек-хўжаев. — Тўланинг 95 фоизи Англия, Швейцария, Германия мамлакатларига экспорт қилинди.

Айни пайтда бу ерда 320 киши меҳнат қилмоқда. Корхона ўтган йили 21 миллион сўм даромад олиб, йилни 7,5 миллион сўмлик соф фойда билан якунлади. Шунингдек, бу ерда 600 тонна уруғлик чигит ҳам тайёрланди.

Бу йилги мавсумни кўнгил-дагидек ўтказиш учун корхона тубдан қайта таъмирла-ниб, янги технология билан жиҳозланди. Жумладан, УХК-01 маркали етти та тозалаш агрегати қайта таъмирлаш натижасида пахтанинг тозали-ги 47 фоизга ортди. Шунингдек, толаги тойлал-чеки ҳам қайта таъмирланиб, ишчиларнинг қўл меҳнати енгиллаштирилди. Мазкур таъмирлаш ишларида 13 мил-лион сўмдан кўпроқ маблағ сарфланди. Қўриқтиш цехига 2СБ-Ю барабани ўрнатилди. Бу эса соатига 10 тонна пах-тани куришти имкониятини беради. Бир сўз билан ай-тганда, пахта тозалаш заводи бутунги кун талабига тўлиқ жавоб бера оладиган корхонага айланди.

Л. СУВОНОВ,
ЎЗА мухбири.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Миллий хавфсизлик Кенгашининг йиғилиши тўғрисида АХБОРОТ

2001 йил 1 октябрь кунин Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Миллий хавфсизлик Кенгашининг навбатдаги йиғилиши бўлди.

Йиғилишни мамлакатимиз Президенти, Миллий хавфсизлик Кенгаши раиси Ислам Каримов бошқарди.

Йиғилишда Афғонистонда аксилтеррор операцияси ўтказилиши муносабати билан юзага келган вазият, Ўзбекистон Республикаси, унинг давлат чегаралари хавфсизлигини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар қўриб чиқилди.

Муҳокама чоғида Афғонистонда юзага келган ҳарбий-сиёсий вазият Марказий Осиё минтақаси ва умуман, бутун дунёдаги хавфсизлик ва барқарорликка жиддий таҳдид солаётгани таъкидланди. Халқаро террорчилик ташкилотлари, уларнинг ортида турган қудратли экстремистик марказлар мазкур мамлакат ҳудудида кўпуровчи террорчилик гуруҳлари тайёрловчи лагер ва базалар ташкил этган. Диний экстремизм ва ақидапарастлик мафкурасини тарқатиш, дунёнинг турли жойларида кўпуровчилик-террорчи-лик фаолиятини амалга ошириш, наркотикларнинг ноқонуний ишлаб чиқарилиши ва савдо-сотиғи қўламини кенгайтириш плацдармини вужудга келтирилди.

Террорчиларнинг асосий мақсади минтақа халқларини улар танлаган демократик дунёвий давлат куриш йўлидан огдириш ва у ерда экстремизм, ақидапарастлик, диний муросасизлик мафкурасига асосланган тўзум ўрнатилди.

Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятини террор ва диний экстремизм хавфининг ўсиб бораётгани тўғрисида кўп марта огоҳлангирган эди. 1999 йилда

Ўзбекистон Истамбулда Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти саммитида жаҳон ҳамжамиятини йигирма биринчи аср вабосига қарши курашда кучларни бирлаштиришга яна бир бор қарор қилди. Террорга қарши кураш халқаро маркази тузиш таклифини илгари сурган эди.

Вашингтон ва Нью-Йоркдаги фожеали воқеалар, 1999-2000 йилларда Ўзбекистон ва Қирғизистонга террорчи жиноий гуруҳларнинг суқилиб кириши бу иллат дин ҳам миллат ҳам танламаслиги, бутун инсониятнинг душмани экани ва у билан курашиш жаҳон ҳамжамиятининг муҳим вазифасига айланиши кераклигини яна бир бор тасдиқлади.

Шу муносабат билан Ўзбекистон АҚШ ва барча тинчликсевар давлатларнинг йигирма биринчи аср вабоси бўлган бу иллатни тугатиш борасидаги қатъиятини қўллаб-қувватлайди ва террорчиларнинг Афғонистондаги база ва лагерларини йўқ қилиш учун ўз ҳиссасини қўшишга ҳамда шу мақсадда ўз ҳаво ҳудудларидан фойдаланиш учун имкон яратилишига тайёр.

Ўзбекистон 20 йилдан ортқ вақтдан бери биродарқушлик уруши азобини тортиб келаётган ҳамда нарқобизнес ва қурол-яроғ савдосидан бойлётган халқаро террорчилик ва турли жиноий гуруҳларнинг узокни кўзлаган гоёлари асирига айланган жафокаш афғон халқи билан бирдамлигини билдирди.

Йиғилишда давлат органлари ва тегишли тузилмаларнинг мамлакатимизда барқарорлик ва хавфсизлигини таъминлаш борасидаги вазифалари белгиланди.

Қўриб чиқилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

ЎЗА.

Пахта — 2001



ПАХТА ЕТИШТИРИШНИНГ ЧИНОЗЧА АГРОТЕХНИКАСИ

Чиноз тумани меҳнаткашлари кўп йиллик анъаналарига содиқ қолиб, бу мавсумда ҳам пахта тайёрлаш режасини виллоятда биринчи бўлиб 24 иш кунинда бажардилар.

ТУМАН пахтакорларининг меҳнат талабига мавжуд ун икки-та ҳўжаликнинг ҳаммаси баракали улуш қўшди. Чинознинг 19100 тонналик хирмонига энг катта қарвон Охунбобоев номидаги ширкат ҳўжалиги 2300, «Ўзбекистон» — 1650, С. Раҳимов номи ва А. Навоий номи ҳўжаликлари — 1300, «Гулзоро-

бод» — 1230 тонна юқори навли хом ашё тўқди. Режани нафақат туманда, балки виллоятда ҳам биринчи бўлиб бажарган А. Темур номи, Т. Эрназаров номи ширкат ҳўжаликлари-нинг белгиланган марра-ни энг қисқа муддатда забт этилишидаги ҳис-саси салмоқли бўлди. Чинозликларнинг уй-ган пахта хирмонидан 150 тонна,

«Чиноздор» корхонаси 120 тонна ҳосилни йиғиштириб берди.

Туман пахтасининг қарийб тўртдан бир қисмини фермер ҳўжаликлари етиштириб беради. Улар шу кунгача умумий хирмонга 3750 тоннадан зиёд хом ашё териб тўқдилар.

Режа удаланди. Чинозликлар бироз енгил тин олишди. Аммо, бунашганлари йўқ. Улар фақат ўз туманлари нуфузини уйлашма-япти. Раҳбарми, мутахассиси ёки оддий пахтакорми, ким билан суҳбатлашманг, виллоятда, бутун республикада режа бажарилмагунча, кўнглимиз жойига тушмайди, деган фикрни эшитасиз. Туман далаларида иккинчи терминнинг асосий қисми ҳали шундоқ турибди. Чинозликлар яна камида 1000 тонна пахта топириш режасини тузиб, термини давом эттирмоқдалар.

(Давоми 2-бетда).

AZIZ D'OSTLAR!

Республика почта алоқа бўлимлари ва газета дўконларида, «Матбуот тарқатувчи» виллоят, туман ва шаҳар бўлимларида 2002 йил учун бошқа нашрлар қатори «ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»га ҳам обуна расмийлаштирилиши давом этмоқда.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» — СИЗНИНГ ГАЗЕТАНГИЗ

Шу кунларда унга тўғриваси ёзилишингиз ва яна биз билан ҳамроҳ бўлишингиз мумкин.

Ўзбекистон Қаҳрамонлари — Ватан фидойилари

Мустақил Ватанимизнинг ўз давлат мукофотлари, орден ва медаллари, фахрий унвонлари таъсис этилгани жуда катта маънавий-тарбиявий, ахлоқий аҳамиятга эга. Зеро, улар, Президентимиз Ислам Каримов таърифлаганидек, «ҳалол ва баракали меҳнат қилган, элим деб, юртим деб ёниб яшаётган ҳар бир инсон учун олий ном, олий даража, олий қадриятдир».

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1994 йил 5 май кунин бўлиб ўтган XV сессияси «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвонини белгилаш ва олий нишон — «Олтин Юлдуз» медалини таъсис этиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини қабул қилган эди. Худди шу кунин Олий Кенгашининг суверен ва мустақил Ўзбекистонни ташкил этиш, халқпарвар демократик ҳуқуқий давлатни барпо этиш, фуқаролар тинчилиги ва миллий тотувлигини таъминлаш ишига қўшган улкан ҳиссаси ҳамда бу борада матонат ва жасорат кўрсатганига учун Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ислам Каримовга «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвонини бериш тўғрисидаги Қарори қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов

1995 йил 30 августда мамлакатимиз меҳнат фахрийларидан бир гуруҳига «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвонини бериш тўғрисидаги Фармонга имзо чекиди. Юртимизнинг дастлабки қаҳрамонлари қаторида В. Чалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси чилангар-йиғувчиси Эркин Алимухамедов, Фаргона виллояти Тошлоқ тумани Х. Марозиқов номидаги жамоа ҳўжалиги бригадаси бошлиғи Комилжон Мамажонов, Навоий кон-металлургия комбинати «Восток» кони экскаваторчилар бригадаси бошлиғи Анатолий Панин, «Муборак-газ» кон бошқармаси операцион Бурон Рўзиев, Бухородаги «Зардўз» акционерлик жамияти катта устаси Мўсасар Темирова бор эди.

«Ўзбекистон Қаҳрамони» унвонига сазовор бўлган бахтиёр инсонлар бутунги кунда 37 нафарга етди. Қаҳрамонлик унвони соҳибларининг — улар курувчи ёки деҳқонми, зиёли ёки давлат арбоби ёхуд адабиди, ҳаётида бир умумий ўхшашлик бор: уларнинг барсини Истиклолимизнинг боқийлиги, юрт тинчилиги, Ватан тараққиёти, халқ фаровонлиги йўлида фидойилик кўрсатиб меҳнат қилаётган кишилардир. Қаҳрамонларимизнинг ўз соҳасида эришган

бусқори ва раҳнамози эканлиги алоҳида таъкидлаб ўтилади.

«Мухтасар қилиб айтганда, — дейилади китобда, — Ислам Каримов Ўзбекистон давлати ва давлатчилигини барпо қилиш, демократик фуқаролик жамияти куриш асосларини яратди, янақасда мамлакатимиз тараққиётининг асосий йўналишларини ишлаб чиқди, юртимизнинг ёруғ истиқболли йўлида кўпмиллатли халқимизни бирлаштириб, уни улуг мақсадлар сари бошлаб бормоқда».

Китобдан ўрин олган очерк ва лавҳаларнинг муаллифлари таниқли адиблар ва журналистлардир. Улар ўз асарларида элим деб, юртим деб ёниб яшаётган фидойи инсонларнинг ёркин сиймоларини яратилган муваффақ бўлганлар.

Китобнинг яна бир қимматли жиҳати шундаки, у ўқувчида қаҳрамонларимиз тўғрисида теран тасаввур ҳосил қилади, бир-биридан қизикarli ва ҳаяжонли лавҳаларга, тарихий далилларга ва қиссий мисолларга бойлиги билан унда чуқур таассурот қолдиради. Президентимиз таъкидлаб ўтганидек, Ватанимиз фидойилари — замонамизнинг чинакам қаҳрамонлари билан бақаракат бевосита учрашувларда, балки ана шундай китоблар орқали мулоқотда ҳам ўзимизга катта маънавий озиқ, ибодий таъсир олишимиз шубҳасиз.

(ЎЗА).

«КОНСТИТУЦИЯМИЗ — БАХТИМИЗ ПОЙДЕВОРИ

Вилоят Халқ таълими бошқармасида «Конституциямиз — бахтимиз пойдевори» республика кўрик-танлови виллоят босқичи гоилибларини шарофлаш маросими бўлиб ўтди.

Вилоят Халқ таълими бошқармаси, Халқ таълими ходимлари малакасини ошириш институти, «Тасвирий ойна» ижодий уюмаси ҳамда «Маҳалла» жамғармаси томонидан ўтказилган мазкур кўрик-танлов ҳайъатининг нуфузли ҳакамлари Конституцияни тарғиб қилувчи 140дан ортқ ижодий

ишлар, суратлар, иншо, баёнлар ва тасвирий чизмаларни кўриб чиқиб, Қибрай туманидан Зулфизар Абдурахмонова — биринчи, Тошкент туманилик ўқувчи Дилноза Усмонова — иккинчи, Янгийўл туманидан Нигора Раимжоновлага эса — учинчи ўринни бердилар.

ЎЗ мухбиримиз.

КОНФЕРЕНЦИЯ БЎЛИБ ЎТДИ

Янгийўл шаҳрида виллоят «Ватанпарвар» ташкилотининг биринчи конференцияси бўлиб ўтди.

Конференция ишида мудофаага қўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти виллоят кенгаши фаолияти атрофида муҳокама этилди. Унда виллоят кенгашининг янги таркиби, раёсат аъзолари, тафтиш комиссияси аъзолари ҳамда Ўзбекистон мудофаасига қўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг II қўрултойига вакиллар сайланди.

Шу кунин бўлиб ўтган ташкилий пленумда «Ватанпарвар» ташкилоти виллоят кенгаши раиси этиб яна К. Вахобов сайланди.

ЎЗ мухбиримиз.

Дилсўз

Ўйилганида биз ҳам нақ мўъжизага дуч келгандек бўлгандик. Бора-бора бу ҳаёт мана шу мўъжизага таяниши, мўъжиза қанчалик кучли бўлса, у шунчалар гўзаллашишини қалб қўзимиз билан англаб етдик. Мана шу қалб қўзимизни очган мўъжизакор эса — МУАЛЛИМДИР.

Ташналигимиз бир пиёла сув билан қонади. Булоқдан ҳовуч-ҳовуч ичиб роҳатланамиз. Лекин, ҳаргал сув ичаётганимизда, назарингизда чашма суви камайиб қолаётгандек туюлаверади. Билим чашмангиз эса, қанча кўп ичсангиз ҳам камаймайди. Чашманинг соҳибини муаллим мана шунинг учун ҳам энг саховатли зот деб ўқулаверади.

(Давоми 2-бетда).



САҲИЙ БУЛОҚЛАР

Ватанимизда, шу жумладан, виллоятимизда ҳам, ўқитувчилар ва мураббийлар кунин кенг нишонланди.

Яқинда биринчи синфда сабоқ берган, қўлимга қалам тутқазиб ҳарф ёзишни ўргатган биринчи ўқитувчимни учратдим. Худди оҳанграб топган одамдек доддираб қолдим. Сочлари оппоқ оқариб кеттибди. Пешонаси тўла ажин, ҳасасага суяниб битта-битта одимлаб келаяпти. Мени кўриб қаддини ростлади. Бироз тикилиб турди, сўнгра чехрасини нур қуйилгандек ёришиб кетди. Биз ўқувчилик

давримида уни ҳар кунин шу қиёфада кўрардик. Бу муҳтарам инсонга — устози аввалга тикилиб туриб, ўйладим. Оппоқ сочи-нинг қайси бир толасини мен оқартирган эканман? Қайси ажиннинг тушишига сабабчиман? Устозим тасаллони килар, гўё бу билан сочининг қораси, манглайимнинг ойдинлиги сенга қўнган, қўзимнинг нури-ни, қалбимнинг қўри-ни бир қатраси сенда, сенинг қабрида топилади. Уларнинг саховат булоқлари, маънавият чашмалари ҳамиша қайнаб туради. Мана шу булоқдан баҳраманд қилгани учун устозларимизга — ҳаётимиз

САҲИЙ БУЛОҚЛАР



чароғбонлари бўлган муаллимларимиз ва мураббийларимизга бугун чуқур эътиромимизни изҳор эта-миз.

Ҳазрат Навоийнинг бир байти борки, у ҳамма замонларда муаллимнинг мактебига битилган қасидадек жаранглайди:

Ҳақ йўлида ким сенга, бир ҳарф ўргатмиш ранж ила, Айламак бўлмас адо ҳаққин аниқ шунг ганж ила.

Бу табаррук сўзлар куни кеча Янгийўл шаҳрида, муҳташам «Мадина» ресторанида ҳам кўп бора такорланди. Бу ерга вилоятимизнинг донддор ўқитувчилари, фидойи мураббийлари тўпландилар. Файзиёб дастурхон атрофида меҳр ёдуглари ёғилиб турган сиймолар шаънига дил тубидаги энг самимий сўзлар айтилди. Хушовоз хонандаларнинг устозлар ҳақидаги қўшиқ-



лари даврага ўзгача бир фойз ато этди. Шу куни эл-юрт меҳрини қозongan муаллимларимизга қиммат-баҳо совғалар, дипломлар, ёрликлар топширилди. Аммо, гап совғалардами? Муаллим зоти борки, ёш авлодга беғараз, беминнат билим дарвозаларини кенг очиб беради. Уларнинг дилларида бир ният: сабоғимни олган ҳар битта бола келажақда юртга муносиб

фарзанд бўлса, унинг оғирини енгил қилса бас. Ўқитувчилар ва мураббийлар кунига бағишланган тантаналарда Тошкент вилояти ҳокими Умнат Мирзакулов қатнашди ва зиёкорларни байрам билан самимий муборакбод этди.

Темур УБАЙДУЛЛО. СУРАТЛАРДА: шодиёналардан лавҳалар.

Даврон АХМАД олган суратлар.

(Давоми. Боши 1-бетда).

АЛЛОМА МЕРОСИГА БАҒИШЛАНДИ

Жаҳон тараққиёти ривожига улкан ҳисса қўшган улуғ бобоқалонларимиз ҳаёти ва фаолияти, улар қолдирган буюк мерос дунёнинг кўплаб мамлакатларидаги сингари Франциянинг кенг жамоатчилиги, илмий ва маданий муассасалари томонидан ҳам ҳар томонлама ўрганилиб келинмоқда.

Яқинда Париж Департаментининг Боминги шаҳридаги «Авиценна» шифохоналаридан бирида очик илмий конференция бўлиб ўтди. «Авиценна излари-дан» деб номланган ушбу анжуман Абу Али Ибн Синонинг ҳаёти ва ижоди, унинг дунё илм-фани ривожига қўшган улкан ҳиссаси билан боғлиқ масалаларга бағишланди.

«Жаҳон» АА.

«БИЕННАЛЕ – 2001»

Ўзбекистон Бадий Академиясининг марказий кўргазмалар залида «Биеннале – 2001» халқаро кўргазмаси очилди. Унда замонавий санъат турларининг кенг кўламли услуб ва йўналишлари бўйича 20та мамлакатдан ташриф буюрган ижодкорларнинг долзарб санъат лойиҳалари, авангард ва анъанавий рангтасвир асарлари намойиш этилмоқда.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон маданияти ва санъати янги йўналиш ва услублар билан бойиди, – деди Бадий Академия бош илмий котиби, халқаро ҳайъат аъзоси Акбар Ҳасимов кўргазмага бағишлаб ўтказилган матбуот анжуманида. – Ушбу кўргазма нафақат хорижлик, балки мамлакатимиз расмоларининг юксак маҳоратини намойиш этиб, ижод эркинлиги, инсонпарварлик, маданиятлар муштараклиги, умуминсоний қадриятлар ғояларини тарғиб этади. Кўргазма широнининг «Санъат – инсонпарварлик ва бунёдкорлик тимсоли» деб номланиши ҳам бежиз эмас. Жаҳонда юз бераётган воқеаларни эътиборга оладиган бўлсак, мазкур кўргазмада намойиш этилаётган асарлар ўз ғояси билан инсонларни ёвузликка қарши бирлаштириши мумкин.

«Туркистон-пресс».

«ТЕРРОРИЗМ – ЭКОЛОГИК ХАВФСИЗЛИККА ТАҲДИД»

«Экосан» халқаро жамғармаси ва «Экосан» Тошкент клуби (Рим клубининг филиали) Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг қўллаб-қувватлашда халқаро терроризмнинг экологик хавфини ҳамда унинг ўта аянчли оқибатларини инобатга олиб, шунингдек бу масалага дунё ҳамжамияти эътиборини кенг жалб этиш мақсадида «Терроризм – экологик хавфсизликка таҳдид» мавзусида халқаро конференция ўтказди.

Унда республикамизнинг қатор вазирликлари ва идоралари, диний конфессиялар ва жамоатчилик ташкилотлари, хорижий давлатлар элчилари ва дипломатик корпус вакиллари, халқаро ташкилотлар, маҳаллий ва хорижий ахборот агентликлари вакиллари иштирок этдилар.

Халқаро анжумани «Экосан» халқаро жамғармасининг президенти Ю. Шоди-метов кириш маърузаси билан очди.

Сўзга чиққан республикамиз қатор вазирликлари ва идоралари вакиллари, айрим давлатларнинг мам-

лакатимиздаги элчилари ва элчихона ходимлари, халқаро ва жамоат ташкилотларининг вакиллари АҚШда юз берган террорчилик ҳаракатини бир оғиздан қораладилар, бундай ҳаракатларнинг экологияга катта хавф-ҳатар тугдиришини айтдилар.

Конференцияда халқаро терроризмга қарши курашиш учун мамлакатлараро ҳамкорликни кучайтириш, қўшма чора-тадбирлар қабул қилиш, жаҳон жамоатчилиги кучини фаоллаштириш зарурлиги кўрсатилди.

Мирсобир МИРҲАМИДОВ.

МАКТАБЛАРГА СОВҒА ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги кўмагида бунёд этилган «ЎЗСИЛМ» корхонаси мактабларнинг ўқув ва моддий-техника негизини мустаҳкамлашга қаратилган хайрия ишларида фаол қатнашмоқда.

200 жамламадан иборат янги дарсликлар мактабларга совға қилинди. Бундай химматдан Янгийўл туманидаги 28- ўртачирчиқ туманидаги 26- мактаб ўқувчи-

лари ҳам баҳраманд бўлдилар. Шунингдек, билим ўчоқларига талайгина кўргазмалар ўқув қуроллари ҳам совға қилинди.

Ақбар АЛИЕВ.

РЕЖАЛАР УДАЛАНМОҚДА

Ангрэндаги «Ўзбекрезина-техника» ишлаб чиқариш бirlашмаси жамоаси тўққиз ойлик режаларини ўтган йилнинг шу даражасига қўйди.

Калиш ишлаб чиқаришга ихтисослашган цехлар бир маромда ишлаётганлиги туфайли жамоа ана шундай ютуқларни қўлга киритди. Бунда Исмет Хайрутдинов ва Саломхон Мада-лиевлар бошчилик қилаётган цех жамоалари яхши кўрсаткичларга эришмоқдалар.

Бирлашма Тошкент Агрегат заво-дига ҳам резина эҳтиёт қисмлари етказиб бермоқда. Шунингдек, бу ерда велосипедлар учун шиналар ишлаб чиқариляпти. Бундан ташқари бирлашма жамоаси кўмир конларига техника хавфсизлигини таъминлаш воситалари ҳам етказиб бермоқда.

Мунаввара ИСОҚУЛОВА.

«ҲОРМАНГ, ПАХТАКОРЛАР»

Вилоятимиз пахта далаларида терим суръати кундан-кунга авж олаётган ушбу кунларда барчанинг фикри-зистри машаққатли меҳнат эвзига етиштирилган ҳосилни ёғин-сочини кунларга қолдириб йиғиб-териб олишга қаратилган. Бунда теримга жалб этилган ҳашорчиларнинг ёрдамлари ҳам катта бўлаяпти.

Тошкент вилоят Қизил Ярим Ой жамияти кенгаши қошида ҳам вилоятнинг улкан пахта хир-монига улуш қўшиш мақсадида «Ҳорманг, пахтакорлар» ташвиқот гуруҳи ташкил этилган эди. Ушбу жамоа навбатма-навбат пахтакор туманларида бўлиб, теримчи ва ҳашарчиларга моддий ёрдам ва маърифий хизмат кўрсатмоқда.

Вилоят Қизил Ярим Ой жамияти кенгаши раиси М. Каримова бошчилигидаги мазкур

гуруҳ ўртачирчиқ туманидаги «Роватак» ва Охунбобоев ширкат ҳўжаликлари далаларида ҳам бўлди.

– Кузнинг ғанимат дамларидан унумли фойдаланган охунбобоевликлар аллақачон давлатга пахта сотиш режасини урдалаб қўйишган, – деди туман хотин-кизлар кўмитаси раиси, ҳоким ўринбосари Тамара Абдуҳасимова. – Албатта, бунда ширкат ҳўжалигининг барча ахли – каттаю-кичикнинг муно-

сиб улуши бор. Терилган пахтага даланинг ўзида нақд ҳақ тўлашнинг йўлга қўйилганлиги ҳам бу муваффақият омили бўлмоқда.

Қисқа тушлик пайтида вилоят Қизил Ярим Ой жамияти кенгаши раиси мазкур жамият тарихи, унинг вазифалари, аҳолининг эҳтиёжманд табакасига меҳр-мурувват кўрсатишдек эзгу ишлари ҳақида сўзлаб берди ва теримда иштирок этаётган кам таъминланган кўп фарзандли оилалар аъзоларидан 100 нафарига яқинига турли қимматли совға-саломларини топширди.

Гуруҳнинг навбатдаги сафари Оккўргон, Қўйичирчиқ туманларида бўлади.

Зулхумор ЖўРАЕВА.



ПАХТА ЕТИШТИРИШНИНГ ЧИНОЗЧА АГРОТЕХНИКАСИ

лаларида гўза ўғитга тўйиниб, бақувват ривожланиб, йиғил шоналайди, қўсақлар йирик, тўқ бўлади. Ҳосилнинг асл замини – шу. Чиноздаги «аксарият ҳўжаликлари, қолаверса, туманининг ҳам ҳар йили пахта тайёрлаш режасини вилоятда биринчилар қаторида бажараётганининг сабаби ҳам – шу. Чинознинг вилоятда энг юқори ҳосилли туман эканлиги ҳам шундан. Мана, бу йил 25 сентябргача кетма-кет етти ҳўжалик режани бажариб қўйди. Уларнинг ҳаммаси биринчи теримдаёқ маррага етишди. Айриларида эса ҳали биринчи терим тугамаган ҳам эди. Ҳозирги кунга келиб туманда режани бажармаган ҳўжалик қолмади. Т. Эрнзаров номили ва «Дўстлик» ҳўжаликларида режа 130 фоиздан ошди. Бу икки ҳўжаликлардан ташқари Амир Темур номили ширкат ҳўжалигида ҳам ҳосилдорлик 34-35 центнерга етди. «Қозонда бўлса, чўмичга чиқадим» деганлари шу-да. Туман бўйича биринчи терим тугаши арасида илгари ҳосилдорлик 90 фоиздан ошдириб пахта тайёрлашга улгурилган эди.

Лекин, даладагиси эмас, хирмондагиси ҳисоб, деганларидек, ҳосил ҳар қанча мўл бўлмасин, йиғим-терим оқилонга уюштирилмаса, қарвонбозилик қилиш қийин. Чинозда ҳар йили йиғим-теримга тайёргарлик қўриш қарталарни машина ва қўл терими ажратилган бўлганда. Туманда узоқ йил ишлаб, катта тажриба ортирган уста пахтакорлардан иборат маслаҳат кенгаши бор. Ғўза баргини тўқиб мунддат яқинлашганда ана шу комиссия аъзолари бир ҳафта давомида дала айланишди, ҳосил чўғини чамалашди, дефоляция қилинадиган қарталарни белгилашди. Бу майдонлардаги ҳосил фақат машинада терилди. Қўл теримида ажратилган майдонларга эса зарур бўлганда табакалаб дефоли-ант сепилад. Умуман, комис-сиянинг тавсияларига бутун мавсум давомида қатъий амал қилинади. Яъни машина учун ажратилган майдонга терим-чилар туширилмайди ва аксинча, қўлда териладиган қар-таларга машина солинмайди.

Оилавий пудратчилар терим мавсуми арасида ҳамма ҳосилни четдан ҳашарчилар-ни жалб этмай, тумандаги мавжуд ички куч ва имкони-ятлар билан йиғиштириб олиш таклифини ўртага таш-ладилар. Мақсад тушунарли – йиғим-терим ишларида сарф-ланадиган маблағни туман-нинг ўзида қолдириш. Бун-дан, аввало, пудратчиларнинг

ўзлари, қолаверса, ҳўжалик ва туман бюджетли моддий ман-фаат кўради. Шу боис пуд-ратчиларнинг таклифи ҳоки-мият томонидан қўллаб-қув-ватланди. Фақат туман корхо-на, ташкилот ва муассасала-рининг ёрдамига таянишга қарор қилинди.

Шундай қилиб, теримда кунига 11 минг киши қатнаш-ди. Тўғриси айтганда, оила-вий пудратчиларнинг ўзлари асосий куч бўлдилар. Чунки, 2405та пудратчи оиланинг ишга яроқли аъзолари терим-да фаол иштирок этдилар. Демак, шу кунгача туман бўйича теримга тўланган 250 миллион сўмдан зиёд пул-нинг асосий қисми пудратчи оилаларга тегиш. Бунини бир-гина «Чиноз» ширкат ҳўжали-ги мисолида кўриш мумкин.

Ҳўжалик режани 28 сентябрь кунини, яъни 20 иш кунинида бажарди. Ҳўжалик тарихида бу-нақаси бўлмаганди. – Ҳаммаси моддий манфа-атдорлик шарофати, – дейди ҳўжалик бошқаруви раиси Саломхон Зайниддинов. – Теримчиларга ҳар беш кун-лик якунида қанда қилмай нақд пул бериб турдик. Ай-рим оилалар теримнинг ўзи-дан 100 минг сўмдан зиёд даромад бўлдилар. Жулла-дан, Ойширин Боймирзаева, Фахриддин Норбўтаев, Фах-риддин Жумабова ва ҳашар-чиларнинг ҳар бири тўрт беш кунликда 35-36 минг сўмдан пул олдилар.

Бундай оилалар ҳар бир ҳўжаликда бор. Собира Аби-рова ва Йўлдош Аҳмаджонов (Т. Эрнзаров), Зокир Тургу-нов («Тўлғоробода»), Шохид-жа Хикматова («Дўстлик») синга-ри пудратчилар ҳозиргача ҳосилдорлики 42-50 цент-нерга етказиб, режани 140-156 фоизга бажариб қўйди-лар. Даромадлари ҳам шунга

тўқилди. Бу ҳам вилоят бўйича энг юқори кўрсат-кичлардан биридир.

Туман ҳокими яна бир гапни айтди.

– Терим айна авжига чиққан пайтда нурунийла-римиз ҳам ибратли, ҳам савобли иш қилдилар, – деди у. – 40 нафарга яқин обрўли кексаларимиз ўз хоҳишлари билан теримга чиқишди. Бу гап ўша кунгача бутун туманга ёйилди. Му-ҳими шундаки, нурунийла-римизнинг ибрати билан 2500дан зиёд уюшмаган аҳоли ҳам теримга чиқа бошлади. Шуларнинг ўзи мавсумда 2800 тонна ҳосил-ни териб беришди. Бу жуда катта ёрдам бўлди, албат-та.

Шундай қилиб, чинозлик-лар пахта тайёрлаш режа-сини туман тарихида энг қисқа мундат – 24 иш кун-ида адо этдилар. 12 кун-да йиллик режанинг 60 фоизига тенг миқдорда хом ашё тайёрланди. Бирорта туманда бундай суръатга эришилгани йўқ, десак му-болага бўлмайди. Бу пахта етиштиришда яратилган чинозча агротехниканинг шарофатидир.

Сўхбат пировардида ҳоким шундай деди:

– Агротехника ўз йўли-га, гарчи ҳал қилувчи аҳам-иятга эга бўлса ҳам, Мен ало-ҳида таъкидламоқчи бўлган нарсаси шунки, туманимизнинг ажойиб халқи бор. Меҳнат-каш, жонқуяр, дадил.

Ҳоким ҳақ гапни айтди. Бундай заҳматкаш халқнинг қадрига етмок, меҳнатлари-ни лозим даражада моддий жиҳатдан рағбатлантирмок зарур. Шундай қилинапти ҳам.

– Пахтачиликнинг ўзидан 1 миллиард 680 миллион сўм даромад олишни мўлжаллаб турибмиз, – деди ҳоким муовини, иқти-содий ва статистика бўли-ми бошлиғи Мирсултон Мирқўбиров. – Режага қўшимча бериладиган 1000 тонна пахтанинг қиймати бунга кирмайди. Хулоса қиладиган бўлсак, бу йил пахтадан 450-500 миллион сўм соф фойда олишимиз аниқ. Шу маблағнинг асо-сий қисми пудратчиларга дивиденд сифатида тарка-тилади, албатта.

Кўриниб турибдики, чи-нозликлар меҳнатларига яра-ша мўмай даромад эгаси бўлиб, турмуш шароитлари-ни яхшилаб бормоқдалар. Ва бунга жавобан тумanning обрў ва нуфузини, иқтисо-дий салоҳиятини ил сайин юқори кўтармоқдалар.

Абдусамид ЙўЛДОШЕВ, «Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

СУРАТЛАРДА: «Ўзбекис-тон», «Чиноз» ва А. Наво-ий номили ширкат ҳўжалик-ларида давом этаётган пахта йиғим-теримидан лавҳалар.

Даврон АХМАД олган суратлар.



БАЛКИ АНГЛАМАЙСИЗ

Юлдузлар бир лаҳза тингланг сўзларим,
Сиз ҳам ўзингизни олиб қочмангиз.
Деразам ортидан термулиб сизга,
Чорасам, келмайсиз, келмайсиз, ҳаргиз.
Осмон пештоқида ёнасиз мудом,
Ёниқ чехрангизга маҳлиё айлаб.

Кушлар қанотида дардингиз менга,
Элиб берингизлар, олай авайлаб.
Мен тинмай боқаман сизга юлдузлар,
Ўзимни дардимни унутиб бир дам.
Балки англамайсиз, англайсиз балки,
Мен сизни севаман, севаман бирим.

ПАРКЕНТИМ

Паркент боғларида қўлайди ёниб,
Жилғалар қўйига ошўфта кўнгул.
Зилло суваридан чанқоғим қониб,
Тошлоқ кўчаларин севиб қолди дил.

Харсанглар уюлган ўшал сойларга,
Ошиқ эканлигим ошкор этганман.

Паркентда туғилиб, ўсганлигимдан,
Гоҳида шодланиб алёр айтганман.

Эгилмайди асло баланддир бошим,
Ҳали кўп заҳматни елганман, ендим.
Кулиб турар доим кўкда қўёши,
Менга мададкордир чунки Паркентим!

Наима АБДУРАҲМОНОВА,
Паркент тумани 10-мактабнинг 9-синф ўқувчиси.

Ибратнома

ОНАСИ ЯХШИЛИККА
ТУҚҚАН

Бир дўстим шундай ҳикоя қилган эди. Нимаям бўлдию Абдуллоҳим деган танишимни излаб, Бешқайрағоч томонларга бориб қолдим. Бахонада янги уйлари билан табриклаб келишни дилимга туккан эдим. Ҳали у кўчага кирдим, ҳали бу кўчага кирдим, лекин, ҳоҳияти раво бўлмади, Чойхона бор экан, кириб бир чойнак чой қақирдим. Нафасни ростлаб, энди нима қиламан, деб ўй сураётган эдим, чойхоначи жонимга оро кириб қолди.

— Меҳмон, хўп десангиз, бир лўқмага ош бор эди. Насибангиз қўйилган экан. Бирга тановул қилсак... Ошдан уч-тўрт ошам олдим. Чойхоначи очиккина киши экан, мошимиз дарров очила қолди. Худди кўп йиллик танишлардек гурунлашдик. Гап орасида Абдуллоҳимни қидириб юрганлими ҳам қистириб ўтдим.

— Нима иш қилади? Бу депарада тўртта Абдуллоҳим исми киши бор, — деди чойхоначи.

— Шофёр, ўзининг шахсий машинаси ҳам бор.

— Э, бўлди-бўлди, онаси яхшиликка туққани? Уни танимангиз киши йўқ. Сўраганингиз айби йўқ, кимингиз бўлади?

— Бирга ўқиганимиз. Янги уйини қўриб, муборакбод қилай деб келаятган эдим.

— Қадрли меҳмон экансиз, дастурхонни янгилай, кейин ошангизга чопар юборамиз.

Ҳай-ҳайлашимга қарамай, чойхоначи дастурхон ёзди. Хаш-паш дегунча ноз-неъматларга тўлдириб ташлади. Беш-олти одам келиб эҳтиром билан омонлашди. Биттаси Абдуллоҳимни қидириб, биттаси дастурхонга чопди, биттаси дастурхонга бир сопол лағанда қовунг тарвуз келтириб қўйди. Кейин чойхоначига қараб, мулозамат қилди:

— Набиҳон ака, уйда манти тайёр экан, меҳмон билан кирасизларми? Еки...

— Аввал Абдуллоҳимни толайлик, — дедим. Набиҳон ака мени тинчлатди:

— Келди, келди. Саври холанинг тоби қончи қолган экан. Шуни касалхонага олиб кетибди.

Дилкаш сўбат билан манти ҳам ейилди, қозонқабобга уннаб кетишди. Бу ёқда мен хижолатдаман. Буларга кимман ўзи, мунча куйиб-пишишди, дейман. Гап орасида Абдуллоҳимни макташди.

— Ҳўш, бир кун, — деди манти келтирган йигит, — шунақанги улов зарур бўлиб қолди денг. Девори дармиён қўшнимда бир эмас иккитаси бор. Йўқ деди ноинсоф. Абдуллоҳим янги қўчи келган, минг ан-

дишада эшигини тақиллатдим. Уйида устаси бор экан. Ўзи тиззасидан лой кечи бошлади. Қайтиб кетаётган эдим, тўхтади. Ҳатто, кимлигимни ҳам сўрамади.

— Нима гап, тинчликми? — деди қўлини ювар экан, — айтинг, айтаверинг.

— Шундай-шундай, — дедим. — Онамнинг тоби қончи қолди.

— Хозир-хозир, — деди Абдуллоҳим, — ювинаману чикаман. Кейин устага қараб бош қашлади. — Уста, аслида сизга ёрдамчи солиб чиқсам бўлар экан.

— Катта бир идишга беш-ўн чепак лой солиб беринг, иш охираб қолди, — деди уста, — укамнинг ҳолатини чикаринг, онаси бетоб экан, армон бўлиб қолмасин.

Абдуллоҳим устанинг айтганини бажо қилди. Хуллас, ярим соатда йўлга тушдик. Ака-укаларим, она-сингилларим бетақат бўлиб мени кутиб ўтиришган экан. Худдога шукр, Абдуллоҳимни туфайли онамнинг ризолигини олиб қолдим. Бўлмаса, бир умр ичим қийиб яшардим. Енимда яна бир кун қолиб маъракаларда жонқуярлик қилди. Шу-шу ўзимни жигаримдек қўраман уни.

— Бировга айтсанг, бензиним йўқ, балоним йўқ дейди, минг битта ваҳ карсон қўрсатади. Барака топкур Абдуллоҳим ҳеч нима демай, дарҳол йўлга чиқади. Уйига кирсангиз, дейсиз. Покиза, саранжом-саршари, ўзи одамлар хизматидан бўшамайдию, қачон улгуради, — деди яна биттаси.

Абдуллоҳим келганда, оқшом қўнган эди. У билан сўхбатимиз шундай дилкаш бўлиб кетдики, менга ярим кечада аранг рухсат беришди. Бу ҳисоб эмас, бошқа келасиз, Абдуллоҳимнинг дўсти экансиз, деб кузатиб қўйишди.

— Абдуллоҳим олиб келиб қўйдими? — деб сўрадим дўстимдан.

— Бир эмас, тўрт киши бўлиб, — деди дўстим юраги тўлқинлабди.

— Қўшниларингиз сизни яхши одам дейишяётган бўлса, демаски сиз яхшисиз, агар улар сизни ёмон одам дейишяётган бўлса, демаски сиз ёмон одамдурсиз, — дедим ўйчан.

— Аммо, топиб айтдинг, — деди дўстим.

— Бу менинг гапим эмас, — дедим унга. — Ҳадиси шарифлардан бири бу. Яхши одамларга дунё ҳаммаша муқтож бўлиб келган эканда...

Темур УБАЙДУЛЛО.

«2001
ЙИЛНИНГ
ЭНГ ЯХШИ
ЎҚИТУВЧИСИ»

Пскентлик Раҳиммахон Мирхалиқова она шундай шарафли эътирофга сазовор бўлди.

Ўзбек Миллий академик драма театрида «2001 йилнинг энг яхши ўқитувчиси» кўрик-танлови якунланди. «Таълим тўғрисидаги» Қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ҳамда янги педагогик технологияларни изчиллик билан ҳаётга татбиқ этишда фаоллик кўрсатаётган ўқитувчиларни аниқлаш мақсадида ўтказилган бу танловнинг якуний босқичида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан 14 нафар педагог қатнашди.

Тўрт кун давом этган беллашувда иштирокчилар пойтахтдаги 110-мактабда намунавий дарслар ўтиб, нафақат мураббилик соҳасидаги тажриба ва маҳоратлари, балки сиёсий, ҳуқуқий, замонавий техника ва технологиялар, психология йўналишида ҳам ўз билимларини намойиш этдилар.

Танлов якунига кўра, Тошкент вилояти Пскент туманидаги 1-мактабнинг она тили ва адабиёт ўқитувчиси Раҳиммахон Мирхалиқова «2001 йилнинг энг яхши ўқитувчиси» деб эътироф этилди.

Назкат УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири.

«ШОҲ АҚБАР»НИНГ
САЁҲАТИ

Аградаги Бобурийлар сулоласининг ҳашаматли саройи. Саройда одамлар кўп бўлишига қарамай, пашша урча эшитиладиган даражада жимлик. Сарой ахли ғамгин. Бобуршоҳдан кейин унинг ишини давом эттирган, мамлакат чегарасини кенгайтирган Ақбаршоҳ, мана неча соатдан бери, ўлим билан олишиб ётибди. Қазо вақти яқинлашганини сезган шоҳ, атрофини ўраб ўлтирган ўғил-қизлару набираларига васиятини айтди. Шунда унинг тўғриқўл, тахтга ўлтиришга саноқли соатлар қолганини сезган ўттиз олти ёшли Жаҳонгир отасига таскин берди:

— Азиз бузрукворим! Ўлим ҳақдир. Иложимиз қанча? Оллоҳ олдида сиз пайғамбар ёшида йўл олдингиз. Бундай табаррук ёшда боқийликка юз тутиш ҳаммага ҳам насиб бўлавермайдими.

Шоҳ Ақбарга бу сўзлар ёқмади, ёшли кўзларини юмди. Бироздан сўнг у тектиклашгандек бўлиб, қўзини очди. Суякли набираси, Жаҳонгирнинг ўғли Шоҳ Жаҳонни кўриб нурсиз кўзлари учқунланди. Шунда шоҳ Ақбар, паст овозда бўлсада, лекин барча эшитадиган қилиб, шундай деди:

— Менинг меросхўрларим кўп. Лекин тахтни бош фарзандим Жаҳонгир Мирзога қолдиришмоқдаман. Мамлакат ахлиб бўлмоғи лозим. Барналарингиз унинг амрида туриб, хизматда бўлинг.

Барча Бобурийлар кўлларини кўксиларига қўйиб, шоҳ Ақбарнинг васиятини сўзсиз бажаражакларини ифода қилишди.

— Сenga бўлса, нуридийдам! — деди шоҳ Ақбар Шоҳ Жаҳоннинг қўлини тутди. — Мана бу олмосни қолдираман. Бу тошни мен доим ўзим билан олиб ю-

(Давоми.
Боши ўтган сонларда).

ганман. Мендан сenga ёдгорлик бўлғай!

Шоҳ Жаҳон бобосининг қўлидан олмосни олар экан, ўзини тутаолмай ўқраб юборди. Худди шуни кутгандай, шоҳ Ақбарнинг ҳам жони узилди.

Тож-Маҳалдай мақбарани ва «Дурли» жума масжидини қурдирган Шоҳ Жаҳон олти-миш уч ёшида тахтга ўлтирди. Унга тож тайёрлашяётганда, бобоси Ақбаршоҳдан

қилиб туриш эвазига ўз тожиди «Шоҳ Ақбар» гавҳарини Аврангзебга берди. Зиндондан озод этилиб, ўз аёнлари билан Тож-Маҳалга зиёратга борган Шоҳ Жаҳон у ерда умрининг охиригача қолди: ўғли Аврангзебнинг буйруғи билан Тож-Маҳал мақбарасининг минорасига қамаб қўйилди. Қамокда саккиз йил яша-

келган сайёҳ Ж. Тавереньенни жуда катта илтифотлар билан қабул қилди. Ўзининг тахту-тожларига, қилич сопию, эгар-жабдуқларига қадалган антикий жавоҳирларини кўрсатиб, мактанди. Бундай жавоҳирларни



қолган олмосни бериб, уни ўз тожига ўрнаттирди. Олмоснинг қирраларида эса шундай сўзлар битилган эди: «Жаҳон шоҳи шоҳ Ақбар. Сана 1028» ва «Икки дунё ҳукмдори шоҳ Жаҳонга. Сана 1039» Даставвал вази 119 карат бўлган бу олмос қирраланган, 74 карат бўлиб қолди ва тарихда «Шоҳ Ақбар» гавҳари номи билан шухрат топди.

Шоҳ Жаҳоннинг шоҳона яшаши икки йилгагина етар-етмай тугади. Унга қарши бош кўтарган ўғли Аврангзеб томонидан Шоҳ Жаҳон ҳибсга олинди. Тахтидан воз кечиб, жонини сақлаб қолган Шоҳ Жаҳон зиндондан озод этилиши ва суякли хотинининг жасади дафн этилган Тож-Маҳал мақбарасига зиёрат

ган ва ёши етмиш тўртга кетган Шоҳ Жаҳон:

— Ал қасосул мин ал ҳақ! — деб доим «уҳ» тортар, кейин, — шунисига ҳам шукур, гуноҳларим азобию бу дунёда тортаёттирман, — дебди. Банди шохнинг ҳолига ачинган навар бир кун шохнинг олтидан дастурхонни йиғиштирар экан, қуниб деди:

— Саккиз йил хизматингиздаман, шохим! Саккиз йил ичида ўлгингиз бирор марта ҳам ёнингизга келмади. Фарзандингизнинг қаҳри қаттиқ экан.

— Йўқ-йўқ! — деди шох. — У Оллоҳ амрини бажарайтир. Аврангзеб — Худонинг менга қарши юборган қазаби!

Худди шу кун, қирк етти ёшли Аврангзеб, Франциядан

кўрган меҳмоннинг ақлдан озаёвганидан завқланди.

Шуниси қизик, Тавереньен ва бошқа сайёҳларнинг тилида достонларга айланган барча ноёб жавоҳирларнинг биронтаси ҳам Аврангзебнинг қўлига босқинчилик ва талон-тарож қилиниб, қон тўкиш йўли билан келмай, фақат мерос сифатида ўтган эди. Ҳатто «Шоҳ Ақбар» гавҳари ҳам бундай қараганда отасининг розилиғи билан берилган. Шунинг учун бўлса керакки, Бобурийлар сулоласидан бўлган бу шоҳ юз йил умр кўрган.

Аврангзеб 1718 йили оламдан ўтди. Орадан йигирма йил ўтгач, бу улуг мамлакатни Эрон шоҳи Нодиршоҳ босиб олди ва хазинани талаб кет-

ди. Босқинчилик ва зўравонлиқни «ёқтирмайдиган» олмос тошлари Нодиршоҳга «хизмат қилмади», у 1747 йили қотиллар томонидан ўлдирилганда, бошқа жавоҳирларга қўшиб, «Шоҳ Ақбар» гавҳари ҳам ўғирланди. Олмос унутилиб, жаҳоннинг номдор олмослари рўйхатидан йўқолди.

Орадан юз йигирма йил ўтиб кетди. 1866 йилнинг кеч қузида Истамбул банкларидан бирига келган бир денгизчи банк эгасининг олди-га бир қутича қўйиб, уни очиб қўришга ундади. Банк эгасининг қўзи жовдираб кетди.

— Ахир бу гавҳарку, жаноб! — деди у.

— Бу менинг олмосим, — деди денгизчи, — пул зарур бўлиб қолди, киморда бой бериб қўйдим. Шуни зудлик билан сотиб беринг.

Олмоснинг сотилиш нархи, банк хизмат ҳақи келишиб олинган:

— Менга икки кун муҳлат беринг, — деди турк.

— Бир кун! — деди денгизчи, — ундан кейин кеч бўлади.

Истамбул, Анкара банкларида «Пастухов олмоси» номи билан яна пайдо бўлган

«Шоҳ Ақбар» гавҳарини Фарбий Хиндистоннинг Гужарат вилоятидан келган Геквар исми бир ҳинд савдогари 26 минг фунт стерлинга сотиб олди. Шунда Геквар олмосни қирралар сайқалланлариди ҳам сақланиб қолган «Жаҳон шоҳи Шоҳ Ақбар. Сана 1028» ва «Икки дунё ҳукмдори Шоҳ Жаҳонга. Сана 1039» ёзувларини ўқиб, дили орзиди. Олмосни ўпиб, қўзига суртар экан:

— Энди олмос ўз ватанига қайтқусидир, — деди энгил тортиб.

Аъзам АЗИМОВ,
техника фанлари
доктори, профессор.

(Давоми бор).

Табиат ва биз

ҚУТҚАРИБ ҚОЛИНГАН
САҚОҚУШ

Балиқчиларнинг ёш сардори Адаш Маликов қайиқни Арнасойнинг бепоён сув сатҳи бўйлаб ишонч билан бошқариб борарди. У раҳбарлигидаги жамоа аъзолари сув ҳавзасининг турли жойларига ташланган тўрларга тушган балиқларни тутиш учун отланишган эди. Ўзоқда тўр ташланган жойни кўрсатувчи биринчи қалқовуш белги кўринди, унинг ёнида эса каттагина сақоқуш турарди.

Моторли қайиқ жуда яқин келганда ҳам, қуш жойидан қўзғолмади. Сардор унинг битта оёғи тўрга илиниб қолганлигини кўриб қолди. Афтидан ёш очкўз қуш тўрларга тушган балиқларни кўриб, уларга ташланган ва оёқларининг бири тўрга илиниб қолган эди.

Адаш сақоқушни тўрдан чиқариб олган эди, қуш қимирламади: оёғи синган экан. Бригада аъзолари уни доволлаш учун қароргоҳга олиб кетишни лозим деб топдилар. Бу ерда оёғини тахтакчаллаб қўйдилар.

— Дастлабки вақтларда уни сув бўйида қамишларга боғлаб қўйишга тўғри келди, — дейди Адаш. — Орадан бир неча кун ўтгач, у балиқларни ҳеч хайиқмай қўлдан оладиган бўлди. Уч ҳафтадан кейин оёғидан тахтачақ олинди. У қирғоқ бўйлаб виқор билан юриб, яна ўз жойига қайтиб келди. Вақт ўтди, қушлар қисқара бошлади. Сув ҳавзасида


бошқа сув қушлари каби сақоқушлар ҳам кўпая бошлади.

Кунларнинг бирида қароргоҳ устидан уларнинг галаси учиб ўтди. Тўсатдан бизнинг пушти сақоқушимиз ҳам бир қичқирди-да ўзининг бир метр узунлиқдаги қанотларини ёйиб осмонга кўтарилди ва бир зумда уларга қўшилиб олди... Бу сақоқуш бундан буён ўз уруғлари орасида яшайди. Қароргоҳдагилар бундан хурсанд эдилар.

Бундай сақоқушлар ноёб ҳисобланиб, республикамиз қизил китобига киритилган. Улар минтақамиздаги дарёларнинг денгизга қўйиладиган жойларида, йирик сув ҳавзаларида тўп-тўп бўлиб яшайдилар. Вазни ўн килограммгача етади, қанотларининг ўлчами икки метр келди, қанотларининг учлари қора бўлади.

Масхут МАҲМУТОВ,
«Давлатбюрозорати»нинг жамоатчи нозир.

СКАНВОРД



Тузувчи Акрамжон ХУҲАМОВ.

Бўқизик

Амазонка дарёси ҳудудида битта дарахта 2000

дан ортиқ ноёб ҳайвонлар турларини сақлайди. Ерда 30 миллионга яқин биологик турлар бор. Шу жонли захиралардан биз ўзимиз учун қийим, дори-дармонлар, озиқ-овқат маҳсулотлари оламиз, турар-жой қиламиз. Айниқса, тропик ўрмонларнинг атмосферада ангидрид газининг мувозанатини сақлаб туришдаги аҳамияти беқиёсдир.

Ҳозирги вақтда ер сатҳининг фақатгина 11 фоизи — 1500 миллион гектар қисми қишлоқ хўжалик учун яроқли ҳисобланади. Сўғоришни кенгайтириш ёки сувини қочириш йўли билан ерга ишлов берилса, унинг экин майдонларини тахминан 2800 миллион гектарга етказиш мумкин.



Об-ҳавони кузатиш бош бошқармасидан хабар қилишларича, 4-7 октябрнинг дастлабки кунлари пойтахтимиз ва Тошкент вилоятининг айрим ҳудудларида қисқа муддатли ёмғир ёғиши эҳтимоли бор. Шу даврнинг иккинчи ярмига бориб, ҳаво бўлутлиб турса-да, ёғингарчилик кутилмайди. Фардан шарққа томон эсган шамолнинг тезлиги ҳар соғинада 7-12 метрга етади.

Ҳарорат кечалари 4-9, кейинчалик эса, 7-12 даража, кундуз кунлари 19-24дан 23-28 даражагача иссиқ бўлиши кутилади.

ТОШКЕНТ ҲАҚИКАТИ
ТАШКЕНТСКОЕ ПРАВДА

Муассис:
ТОШКЕНТ
ВИЛОЯТИ
ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир
Фатҳиддин
МУХИДДИНОВ

Штелефонлар:
Хатлар ва оммавий ишлар
бўлими: 133-40-48
Эълолар: 133-40-48,
136-56-29.

Матбулати:
700000, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32.

Ўзбекистон Республикаси Давлат
матбуот қўмитасида 8 рақами
билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати»
тахрирати компьютер марказида
терида ва саҳифаланди.

Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.